

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 6 сентябрь, № 175 (5595)

Пайшанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Олтинқул туманидаги Қўмакай қишлоғида айни пайтда "Сувюлдуз текстиль", "УДМ", "Кезартекс", "Айшахон қўрилиш тараққиёти" сингари ўнлаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

Маҳсулот — экспортга

Эндиликда улар сафига "Полиэтилен сифат савдо" масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Унга яқин маҳаллий ёшлар бандлиги таъминланган корхона дастлабки 13,5 минг АҚШ долларлиқ маҳсулотни ташқи бозорга чиқарди.

Этироф этиш керакки, жаҳон бозорига дадил кириб бораётган олтинқуллик тадбиркорлар шу йилнинг олти ойида 1 миллион 677 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришдилар.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида Когон туманидаги "Туткунда" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Бухоро-Лабса" қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Натижада бу ерда импорт ўрнини босувчи маҳсулот — сульфоник кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулот мамлакатимиздаги кир ювиш қукуни тайёрловчи корхоналар учун зарур хом ашё саналади. Янги лойиҳани амалга ошириш учун бир миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Корхона замонавий технологик линиялар билан жиҳозланди. Элликка яқин янги иш ўрни вужудга келди. Эътиборлиси, "Бухоро-Лабса" тадбиркорлари ички бозор билан чегараланиб қолмай, маҳсулотнинг 60 фоизини экспорт қилиш ниятида.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг етти ойи давомида вилоятда турли дастурлар доирасида 251 лойиҳа амалга оширилиб, 161,7 миллиард сўм ва 3,8 миллион АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Термиз шаҳрида 2012 йилнинг 6 ойи давомида умумий қиймати 3 миллиард 483 миллион сўмлик қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилди.

Замонавий линия ишга тушди

Жумладан, яқинда фаолият бошлаган "Сурхон сервис таъмир қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида йилига 100 та жамланма мебель жиҳозлари тайёрлаш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди.

— Хориждан келтирилган илғор дастгоҳлар маҳсу-

лотларимиз сифати яхшиланишида бош омил бўлаётган, — дейди тадбиркор Шухрат Болтаев. — Хозир ишлаб чиқараётган мебель жиҳозларимиз ички бозорда харидорлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Шаҳрисабзда "Kesh negtar" қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

«Kesh negtar» фаолиятини бошлади

Низом жамғармаси 736,2 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган мазкур корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

Айни пайтда 50 га яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қиладиган корхона маҳсулотларининг асосий қисми "Kesh negtar" ёрлиги билан экспорт қилинади.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи бошланади. Шу муносабат билан Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқтор элчиси Борибай Жексембин "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

Яқин қўшни ва ишончли шериклар

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳаётининг барча жабҳаларида салмоқли муваффақиятларга эришиб, жаҳон молиявий тизимида содир бўлаётган ўзгаришларга қарамай, барқарорлиқни сақлаб қолганлари холда, ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделини ярата олдилар. Биз 90-йилларнинг ўрталарида юзага келган Осиё иқтисодий инкиробида бардош беролдик ва ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инкиробининг таъсирини бартараф этиш борасида самарали чора-тадбирларни кўрдик.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда япи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, мамлакатларимиз миллий иқтисодиётининг диверсификациялашуви, иш ҳақлари ва ижтимоий тўловлар ҳажмининг ортиб бориши ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасининг ривожланиши шундан далолатдир.

Шу маънода, Қозоғистон ва Ўзбекистон томонидан танлаб олинган босқичма-босқич сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўли барқарор тараққиёт асосларини яратдики, бу, ўз навбатида, бутун минтақадаги барқарорлиқнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Давлатларимиз ўртасида Абади дўстлик тўғрисидаги шартнома имзолангани ва бу халқаро амалиётда иттифоқдошлик муносабатларининг энг юқори шакли ҳисобланишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентларининг ташрифлари сиёсий мулоқотнинг салмоқли даражада чуқурлашишига хизмат қилмоқда. 2010 йилда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултан Абишев ва Назарбаев Ўзбекистон Республикасига икки марта, шу жумладан, расмий ташриф билан келди. Қозоғистон ва Ўзбе-

кистон раҳбарлари ўртасида икки давлат учун муҳим бўлган масалалар бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратди.

2012 йилнинг 6-7 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади. Мазкур ташриф чоғида сермаҳсул ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва сарможайвий ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланади.

Умуман олганда, олий даражадаги мунтазам учрашувлар минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалалар бўйича умумий ечимларни топиш учун имконият яратмоқда. Шундай экан, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳақида сўз кетганда, уларни юксак баҳолаш ва келажакда мазкур муносабатларнинг барқарор ривожланишини ишонч билан айтиш мумкин.

Ўтган 20 йил мобайнида икки томонлама муносабатларда эришилган ижобий натижалар, турли даражалардаги ўзаро алоқаларнинг ўсиш суръати кўп қиррали ҳамкорлиқни амалий жиҳатдан ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратди.

Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши кузатилаётганда. Натижада Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг йirik савдо ҳамкорлари улғигидан жой олди. Буларнинг барчаси ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг қандай суратлар билан ўсиб бораётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

Кеча Тошкент шаҳрида "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Chevrolet Cobalt" автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "General Motors" компанияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Автомобилсозларимиздан яна бир туҳфа



Маросимда мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида автомобилсозлик саноатига асос солиниб, соҳа ривожини унчун барча шарт-шароит яратиб берилгани боис бугунги кунга келиб у иқтисодиётимизнинг энг етакчи тармоқларидан бирига айлангани эътироф этилди.

Айни пайтда "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибида АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Голландия сингари

бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган 40 дан зиёд ийрик ва кичик корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, уларда 18 мингдан зиёд киши меҳнат қиляпти. Эътиборлиси, ишчи-ходимларнинг аксарияти ёш мутахассислардир. Корхоналаримизда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва улар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бебаҳо мерос ва асрий анъаналар

юртимизда хунармандчиликка қаратилаётган юксак эътибор туфайли янада кадр топаётир



Изланиш

Хунармандчилик тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ота-боболаримиздан мерос ушбу меҳнат тури бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Юртимизда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли хунармандлар меҳнати, чин маънода, кадр топиб, улугланмоқда.

Марғилонлик Иброҳимжон Султонов ҳам хунарманд. У дастлаб давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, Қўштепа туманидаги иқтисодий ночор корхонанинг эски биносини сотиб олиб, адрас, бахмал матолари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Сўнгра "Исмоилжон гиламлари" хусусий корхонасини ташкил этиб, Шарқ хунармандчилигининг ноёб тури — ипак гилам тўқиш билан шуғуллана бошлади. 120 кишилик меҳнат жамоаси тайёрлаётган ипак гиламлар бугун харидорларга манзур бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда ишбилармонликнинг ривожини ҳақида сўз кетганда, тадбиркорларга яратилаётган имтиёزلарга алоҳида урғу берилди. Бу, бежиз эмас, албатта. Зеро, соҳа вакилларининг муваффақиятида юртимиз иқтисодиётида ҳукм сураётган қулай ишбилармонлик муҳити муҳим аҳамият касб этапти.

Катта имкониятлар самараси

кичик бизнес вакиллари фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда

Президентимиз томонидан шу йил июль ойида қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари эса тадбиркорларимиз фаолиятини бундан-да кенгайтиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар сирасига кирди.

Бугун қайси тадбиркор билан суҳбатлашманг, яратилаётган имкониятлардан беҳад мамнун эканлигини билдиради.

Дилбар БОБОЖОНОВА, Урганч шаҳридаги "Феруз-Хоразм" масъулияти чекланган жамияти раҳбари: — Корхонамиз бундан ўн саккиз йил муқаддам ташкил қилинган эди. Орта назар ташлайдиган бўлсак, биз учун, чин маънода, ривожланиш даври бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Бурч ва масъулият

Юртимизда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг муҳим асосларидан бири бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мазкур соҳа учун ҳар томонлама етук, малакали ҳамда профессионал кадрларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Енгин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолиятининг йўлга қўйилгани амалда ўз самараларини берапти.

Марвал қўриқлайди Ватанни

Замонавий моддий-техник базага эга бундай илм даргоҳларида таълим жараёни бугунги кун талабларига мос ҳолда ташкил этилган. Айтилик, бўлажак мутахассислар бу ерда нафақат назарий,

балки амалий кўникмаларини ҳам мустаҳкамлаб борадилар.

Анъанага мувофиқ, ҳар йили янги ўқув йили арафасида ана шу олий таълим муассасаларида биринчи босқич тингловчиларнинг қасамёд

қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтади. Истиқлолимизнинг 21 йиллик тантаналарига улашиб кетган бу галги тадбирлар ҳам кўтаринки кайфият ва зўр ҳурсандчилик руҳида ўтди. Унда Ички ишлар

вазирлиги масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар ҳамда журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бу ерда тингловчиларга пухта таълим бериш учун барча шарт-шароит яратилган. 24 кафедра самарали фаолият юритапти.

(Давоми 3-бетда).

Қишлоқ хўжалигига — илғор техникалар

2012 йилнинг дастлабки олти ойида республикаимизда қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш ишлари изчил давом эттирилиб, унинг доирасида ушбу соҳа субъектларига лизинг асосида

546 та қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди.

"TL-100", "Arion-630C", "TS-135" русумли тракторлар, транспорт ва шудгорлаш техникалари, "Доминатор-130" галла ўриш комбайнлари шулар жумласидан бўлиб, бу мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самарасидир.

Бир рақам шарҳи

Ислохотлар — тадбиркорлар нигоҳида

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллий Кенгашларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ижроси муҳокама қилинган мажлисида жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Долзарб вазифалар ижроси

аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга

Шундан келиб чиқиб, худудларда бу борада кенг қўланилган ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини бажаришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Вилоятда жорий йилда ишлаб чиқариш объекти янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида 30,6 мингта иш ўрни яратил-

ди, шундан 25,2 мингтаси қишлоқ жойлар ҳисобига тўғри келади. Айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчи ривожлантириш ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вилоятдаги тижорат банклари томонидан ушбу соҳага йўналтирилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Масалан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига 155,5 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилган. Жорий йилда эса 167,2 миллиард сўм маблағ йўналтириш режалаштирилган бўлиб, олти ой давомида тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 111,5 милли-

ард сўмлик кредит берилди ва натижада 7868 та иш ўрни ташкил этилди. Вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, аҳолини касаначиликка кўпроқ жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олиб борилаётган саяё-харакатлари самараси ўлароқ, 10 мингта яқин киши худуддаги корхона-

лардан ҳисобланади. Аниқроқ айтилган бўлса, бу йил вилоятдаги 91 касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари таъминланган 30161 нафар битирувчи ўз иш жойларига эга бўлди. Бу борадаги ишларни янада жаддалаштиришда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаоли-

бўлиб, ҳозирги кунга қадар 876 нафар коллеж битирувчисига 2 миллиард 900 миллион сўм кредит маблағи берилди. Табиийки, бундай молиявий қўллаб-қувватлашлар кўплаб ёшларимизнинг ўз бизнесларини тўғри йўлга қўйишларига қулай шaroит яратиб, уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлапти. Албатта, бу борадаги ютуқлар, муваффақиятлар ўзимизники. Шу боис йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш, янги иш ўринлари ташкил қилишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда аҳоли муҳоказатлари асосида ишлаш, шу асосда мониторинг ўтказиш ва таҳлил этиш ҳам доимий комиссиямиз аъзоларининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Зеро, ушбу саяё-харакатларимиз, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган экан, бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришга, уларни астойдил бажаришга ҳар биримиз масъулмиз.

Эгамберган БАБАЖАНОВ, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб қилишининг қонунчилик базасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда тижорат банклари, молия-кредит ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда олий ўқув юртлири вакиллари, олимлар, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

■ Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Маълумки, давлатимиз раҳбарчи томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимизда молия-банк тизимини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Шу боис тадбирда ушбу соҳани мустақамлаш учун хусусий банклар ҳамда хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар каби молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан молия-банк соҳасига хусусий капитални жалб этиш катта аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Мазкур чора-тадбирлар, шубҳасиз, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш ҳамда миқдорларни кўрсатиш сифатини ошириш ва юксак халқаро стандартларга жавоб берадиган бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шaroит яратишга кўмаклашди.

— Мазкур қонун лойиҳаси хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Қ. Тошматов. — Шунингдек, уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлаш ҳамда банк ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, рақобатни кучайтириш, халқаро стандартларга мос бўлган молия-банк инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур шарт-шaroитлар яратилади.

Давра суҳбатида мазкур ҳужжатда бир қатор нормалар киритилиши назарда тутилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, хусусий банклар ва бошқа молиявий ташкилотларни ташкил этиш асослари, уларнинг фаолияти кафолатларини белгилаб бериш, хусусий банк ва бошқа молия институтлари фаолиятига аралашувига чек қўйилиши ҳамда текширувларнинг камайирилишини белгиловчи меъёрлар ана шулар жумласидандир.

Тадбирда иштирокчилар қонун лойиҳасининг концепцияси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини таъкифларини билдирдилар. Шунингдек, давра суҳбати ақунида тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Зиёда АШУРОВА.

Тадбиркорларга сертификатлар

"Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми" томонидан 16 нафар тадбиркорга кредит олиш имтиёзини берувчи сертификатлар топширилди.

■ Рағбат

Ташкилот матбуот хизмати хабарига кўра, ушбу сармояга эга бўлган ишбилармонлар Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда шу орқали худудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни янада яхшилашга ҳисса қўшадилар.

Айтиш жоизки, ташкилот юртдошларимизга ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан шуғулланиб келади. Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми"нинг ахборот маркази фаолият юритмоқда.

Фозила АШУРОВА.

Бебаҳо мерос ва асрий анъаналар

юртимизда хунармандчиликка қаратилаётган юксак эътибор туфайли янада кадр топаётир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Табиий ипақдан гилам тўқиш — гоёта машаққатли, сабр-тоқат талаб қилувчи юмуш. Яъни энг моҳир гиламдўз ҳам бир кунда атиги бир сантиметр сатҳдаги гиламни тўқиши мумкин, холос.

Бугунги кунда корхона махсулотларининг асосий харидори хорижлик буюртмачилар ҳисобланади. Хусусан, жорий йилда улар би-

лаш 174 минг АҚШ долларлик шартнома имзоланган. — Айтилайик, ўртача ҳажмда битта ипақ гиламни тўқиш учун камидан уч ой вақт зарур бўлади, — дейди корхона раҳбари Иброҳимжон Султонов. — Шунинг учун ҳам биз буюртмаларни шахсий талаблар, андозаларга кўра қабул қиламиз. Жамоамизнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат. Шунингдек, 90 нафар касаначи меҳнатидан ҳам фойдалана-

ямиз. Эндиликда фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида кўшни қишлоқда яна бир хусусий корхона ташкил этдик. Бу ерда ҳам юз нафар маҳаллий хотин-қиз меҳнат қилаётир. Эътиборлиси, мазкур ишлаб чиқариш субъекти Лангар агросаноат коллежи билан ёнма-ён жойлашган. Бу, ўз навбатида, ўқув муассасаси билан алоқаларни мустақамлашда қўл келмоқда. Коллежда ипақ гилам тўқиш

сирларини ўрганишга ихтиссослаштирилган махсус бўлим фаолият юритапти. Демак, бундан кўринадики, "коллеж — корхона" ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. — Коллежни битириб, шу ерга ишга келдим, — дейди Дўрмон қишлоғили Муҳайё Жўрабева. — Ипақ гилам тўқишдек мураккаб касб сирларини пухта ўрнаётганимдан хурсандман, албатта. Айни пайтда корхонамизда коллежни таъминлаган тенгдошларимдан 90 нафари самарали меҳнат қилишяпти.

Дарҳақиқат, изланиш, интилиш ва ташаббус юксак марралар сари элтади. Корхона жамоасининг айни фаолияти миллий хунармандчилигимизнинг доврағи янада юксалиши, янги янги иш ўринлари ташкил этилиши аҳоли турмуши бундан-да фаровон бўлишининг кафолатидир.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар. **Шомурот ШАРАПОВ** олган суратлар.



«Диққат, болалар!»

лойиҳаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади

Янги ўқув йили бошланиши билан кўчалар янада гажумлашиб, жамоат транспорт хизматида фойдаланувчилар сонин кўпайди. Бундай шaroитда ҳаракат хавфсизлигини янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

■ Тадбир

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида мамлакатимиз бўйлаб аънанани "Диққат, болалар!" тадбирларини ўтказишга киришди.

Уқув йилининг дастлабки ўн кунини қамраб оладиган ушбу тадбир доирасида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибининг сақлашга қаратилган тарғиб-таълим ишлари олиб борилаётир. Уни ушшоқлик билан ўтказиш мақсадида республикамиздаги мавжуд мақабларнинг ҳар бирига йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспекторлари бириктирилди. Транс-

порт катнови гажум кўчаларда жойлашган мактаблар атрофи ҳамда болалар нисбатан кўпроқ фойдаланадиган йўллар ҳам инспекторлар назоратига олинди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида ўқув муассасаларининг ён-атрофидаги кўчалар ҳолати яхшиланиб, йўл белгилари янгиланди. Мактабларда ташкил этилган ўқувчилардан иборат махсус гуруҳлар бу борада соҳа ходимларига яқиндан кўмак беришмоқда.

Азизжон МҲРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот бўлими асосий инспектори, катта лейтенант.

Катта имкониятлар самараси

кичик бизнес вакиллари фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Бу, албатта, Президентимиз ташаббуси билан соҳага татбиқ этилаётган имтиёзлар ва янгиликлар самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони навбатдаги рағбат сифатида бизга катта куч бағишлайди.

Фармонга кўра, 2013 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишларига кўра, теда на ишлаб чиқариш режалаштирилган. Махсулотнинг тенг ярами экспортга йўналтирилади.

Фармонга кўра, 2013 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишларига кўра, теда на ишлаб чиқариш режалаштирилган. Махсулотнинг тенг ярами экспортга йўналтирилади.

Шавкатжон ҚУНДУЗОВ, Фарғона туманидаги «Шухрат» корхонаси раҳбари. — Президентимизнинг "Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва ружсат бериш

тиёрида қўндирилаяпти. Уни тадбиркор ўз хоҳишича, янги режалар рўёби учун сарфлаши мумкин. Бу эртасини ўйлаган, юрт фаровонлигини ошириш мақсадида меҳнат қилаётган тадбиркор учун айна муддаосидир. Яқинда биз Водил шаҳарчасида сервис ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриб, фойдаланишга топширдик. Ушбу мажмуамизнинг биринчи қаватида уни қайта ишлаш цехи, иккинчи қаватида эса ошхона ва кафе жойлашган. Шу кунларда 20 хил қандолат махсулотлари тайёрлашга мўлжалланган янги цехни ишга тушириш арафасидадир. Бу бизнинг Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига муносиб тўқнамиздир. Ҳозир туманимизда эзгу ниётли тадбиркорлар кўп. Уларнинг сафи бундан-да кенгайишига ишончим комил. Буларнинг бари, ўз навбатида, юртимизда соҳа ривожига қаратилаётган эътиборнинг амалий самараси, ёрқин натижасидир.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Қозоғистон: Яқин қўшни ва ишончли шериклар

масаласи ишлаб чиқилмоқда. Савдо-саноат палаталари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Зеро, бу мамлакатларимизда корхоналарга алоқаларни мустақамлаш ишига имкон беради. Маданий-гуманитар ҳамкорлик яхши қўшничилик муносабатларининг муҳим шартларидан бири саналади. Ҳар икки давлат худудда яшаётган кўп сонли ўзбек ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги дўстликнинг ҳақиқий "олтин кўприги" ҳисоблангани холда, улар чегаралараро ва гуманитар ҳамкорлигининг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз маданият соҳасидаги давлат идоралари ўртасида ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани, ҳар икки муассаса ҳам-

корлик дастури доирасида театр фестиваллари ва танловларни ўтказмоқда, мусиқий-бадиий гуруҳларнинг сафарларини ташкил этишяпти. Сўзининг ақунида шуни таъкидлашни истар эдимки, мустақилликка эришилганидан буюн Ўзбекистонда миллиятлараро тотувлиқни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, республикада истиқомат қиладиган барча халқларнинг тарихий ва маданий қадриятлари ҳамда ўзига хос анъаналари қайта тикланмоқда. Мамлакатимизда муштарак бағрикенглик маданияти ривож топмоқдаки, бу давлат гуллаб-яшнашининг кафолати ҳисобланади. Фурсатдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон халқига чин қалбидан тинчлик, фаровонлик ва бундан-да гуллаб-яшнашни тилайман. Ишончим комилки, Қозоғистон ва Ўзбекистон рақобатбардош миллий иқтисодиётни барпо этиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида ҳаракатланишни давом эттиради, келгусида ҳам минтақадаги хавфсизлик ҳамда барқарорликни асраш ва мустақамлаш ишига кўмаклашди.

«Жаҳон» АА.

Автомобилсозларимиздан яна бир тўқфа

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Ана шу махсулотлар сифат жиҳатидан халқаро стандартларга тўла мос келгани боис уларга ички ва ташқи бозорда талаб йил сайин ортиб бораётир. Автомобилларимизнинг қулайлиги, хавфсизлиги, ишончли ва тежамкорлиги бунда муҳим омил бўлаётир.

Соҳа вакиллари истеъмолчиларнинг тақлифлари, хоҳиш ва истакларидан келиб чиқиб, автомобилларни такомиллаштириш, моделлар турини кўпайтириш устида ҳам изчил ишлаш олиб бормоқдалар. Бу саяё-харакатлар самараси ўлароқ, ҳар йили харидорларга янги русумдаги замонавий автоуловлар тақдим этиляпти. Жумладан, бултур "Spark", аввалги йили "Captive", жорий йил баҳорида эса "Maibu" енгил автомобил тўқфа қилинган бўлса, Истиклолимизнинг 21 йиллик байрами шукуҳи кезиб юрган айна кунларда "Chevrolet Cobalt"ни харидорлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

"Chevrolet Cobalt" — замонавий хавфсизлик тизими ва юқори сифат интeрeрeрига эга "Chevrolet" типидаги автомобилдир. У 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 105 от кучи қувватига эга ва беш босқичли механик узатмали двигател билан жиҳозланган. Аҳамиятли жиҳати, ушбу турдаги двигателлар "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси махсулотидир. "Chevrolet Cobalt" тежамкор автомобиллар туркумига қиради. У 100 километр масофага 6,2 литр ёнилги сарфлайди. Автоуловда ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда иккита хавфсизлик ёстиғи мавжуд бўлиб, торморз қисми ABS тизимига эга. Маълум қилинишича, мазкур русумдаги автомобиллардан йилга 120 минг донда ишлаб чиқариш режалаштирилган. Махсулотнинг тенг ярами экспортга йўналтирилади.

Кисқа сатрларда

БОЙСУН туманидаги "Бойсун саноат бетон" хусусий корхонасида йўлак қопламалари ҳамда бетон гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 110 миллион сўм сарфланди.

ИШТИХОН туманининг Зарбанд қишлоғида қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежи фойдаланишига топширилди. Замонавий ўқув хоналари, спорт зали ҳамда барча қулайликка эга шинам ётоқхона Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида зарбандлик ёшлар ихтиёрига топширилди.

ГУЛИСТОН туманидаги "Ҳимолой чўққиси сари" кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Илҳом Чўлпонов савий-ҳаракати билан сизими 350 тонналик замонавий музлаткич ишга туширилди. Банкнинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган ушбу оморхонада айни пайтда олма, узум, беҳи, анор каби мева ҳамда сабзавотлар жамғарилмоқда.

"ҚАШҚАДАРЁ вилоят босмахонаси" масъулияти чекланган жамиятига хорихдан умумий қиймати 250 минг АҚШ долларлик полиграфия дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Пировардида вилоятда чоп этилаётган газета ва журналларнинг сифати тубдан яхшиланди. Шунингдек, бу ерда катта ҳажмдаги реклама баннерлари, юздан зиёд турдаги матбаачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан қўшимча 15 та иш ўрни яратилди.

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Бурч ва масъулият

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Уларда ўндан ортик фан докторлари, профессорлар, юзга яқин фан номзодлари, доцентлар меҳнат қилмоқда. Шунингдек, Одам савдоси ва гиёҳандлик воқеаларининг ноқонуний айланishiга қарши кураш, Инновацион педагогик технологиялар, Криминалистик тадқиқотлар каби бир қатор марказлар, замонавий ахборот-коммуникация тизими ўрнатилган маъруза заллари таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Маросимда биринчи босқич тингловчилари Ватани, халқи ва Ўзбекистон Республикаси Президентига содиқ бўлишга тантанали қасамёд қилишди. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида ўз бурчларини сидқидилдан

адо этишга ваъда беришди. — Ҳаётимни шарафли касб билан боғлаганимдан фахрланаман, — дейди тингловчи Зафар Охун. — Айниқса, бағунги кун бир умрга ёдимизда қолади. Чунки қасамёд қабул қилиш шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шайни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга аҳду паймон қилиш маросимидир. Шундай экан, биз бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиб, билимларимизни мустаҳкамлаб, албатта, билдирилган ишонччи оқлаймиз.

Курсантларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тадбирлар Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам кўтаринчи кайфиятда ўтказилди.

Тантанали маросимларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар

вазир генерал-лейтенант Б. Матлубов биринчи босқич тингловчиларини қутлар экан, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ёшларимизга қарата айтилган қуйидаги эзгу даъватини доимо ёдда тутишлари зарурлигини уқтирди: "Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодисиз! Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз! Уз қуч-ғайратингиз, билим ва қўбиятнинг гизга, буюк Ватанимиз кудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим! Сизнинг эришадиган ҳар бир галабангиз — юртимиз галабаси, Ўзбекистон галабасидир!".

Тингловчилар давлатимиз раҳбарининг ана шу юксак ишончига муносиб бўлишга ваъда бердилар.

Ш. ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Яхши хабар

Ангрэн шаҳридаги "Кулол" масъулияти чекланган жамияти негизда ташкил этилган "Капсантекс" корхонасида керамикали сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юқори сифат ва кўркам дизайн

Бундан икки йил аввал мазкур корхонада тижорат банки кўмағида ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва модернизация қилиш, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш каби лойиҳалар ижросига киришилган эди. Ўтган вақт мобайнида бу ерда 1,2 миллион АҚШ долларлик сармоя ўзлаштирилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тубдан янгиланди, хом ашёга ишлов бериш, қолип-лаш ҷеҳлари замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу эса "Капсантекс"да йи-

лига 25 минг дона ҳўжалик моллари тайёрлаш имконини яратди. Айни пайтда корхона печларидан чиқаётган дастлабки маҳсулотлар замонавий дизайни ва сифати билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, худди шундай лойиҳалар самараси ўлароқ, шаҳарда жорий йилнинг биринчи ярмида 2650 та иш ўрни ташкил этилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Сердаромад тармоқ

— Қорақўлчиликни ривожлантириш бевосита яйловлар маҳсулдорлигини оширишга боғлиқ, — дейди Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси институти директори Н. Бобоқуллов. — Қолаверса, чўл ўт-ўланлари энг арзон озуқа манбаи ҳисобланади. Мамлакатимизда эса бу борда катта имкониятлар мавжуд. Шу боис анжуманда мавжуд яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, изень, шувок

каби экинлар экиб, уни парвариш-лаш йўллари хусусида ўзаро фикр алмашдик. Шунингдек, юртимизнинг турли худудларидан ташриф буюрган соҳа мутахассислари самарқандлик қорақўлчилар эришган муваффақиятлар билан ақиндан танишдилар.

М. ЗИЁДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Корақўлчилик

Самарқандда чорвачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси институти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари, селекционерлар ва зоотехниклар қатнашди.

Advertisement for TOHKENT TRUBA ZAVODI KK, featuring images of pipes and technical specifications for various pipe types and diameters.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚАТЎРАТИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 11 АВГУСТДАН 31 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудда «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қонлагари» (УЭР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 13 августдаги 11н-сонли буйруғи. 2012 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-4 (2012 йил 28 августдан қучга қиради). 2. «Кимматли қозғалар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қончилигининг бузилишига доир ишларни қўриб чиқиш ва жазо қўлиш тартиби тўғрисидаги низоми ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 9 августдаги 2012-17-сонли буйруғи. 2012 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-6 (2012 йил 31 августдан қучга қиради). 3. «Молия бозорлари иштирокчилари бўлган банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топил тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/1-сонли қарори. 2012 йил 27 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1162-1 (2012 йил 6 сентябрдан қучга қиради). 4. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соғабай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 16 августдаги 8, 32 ва 46-ққ-сонли қарори. 2012 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2386 (2012 йил 8 сентябрдан қучга қиради). 5. «Ҳодимларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи. 2012 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2387 (2012 йил 8 сентябрдан қучга қиради). II. Давлат реестридан чиқарилди: 1. «Молия бозорлари иштирокчилари бўлган банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида низоми» (рўйхат рақами 1162, 2002 йил 31 июль) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган. Адлия вазирлигининг 2012 йил 27 августдаги 185-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. 2. «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соғабай ҳақ тўлаш миқдорлари» (рўйхат рақами 2311, 2012 йил 9 июль), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат

Реклама ва эълонлар

Advertisement for O'ZSANOATQURILISHBANK, featuring a table of interest rates and terms for various services, including currency exchange and loans.

Advertisement for SOTAMIZ, listing various electrical and technical services, including power supply and equipment.

Advertisement for Tohkent Davlat Milliy Raqs va Xoreografiya Oliy Maktabi, offering dance and choreography education.

Advertisement for XALQ S'UZIGA, offering legal and administrative services, including document preparation and representation.

Бадий гимнастика: Нафосат сеҳри

Ноила Мухаммадхонова эндигина олти ёшга тўлди. Бир йилдирки, бадий гимнастика тўғрисида катнашди. Ҳаракатчан, интилувчан қизалоққа устозларнинг ҳам меҳри тушган. Ҳозир у машқларни бажаришда Намангандаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди тарбияланаётган қизларнинг ҳеч биридан қолишмайди. Республика миқёсида ўтказилган "Биллур капалак" турнирида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, ота-онаси, устозларини қувонтирди.

республика босқичида муваффақиятли иштирок этишди.

Дарҳақиқат, спортчи маҳоратининг сайқал топишида мураббий сабогининг ўрни беқиёс. Ушбу мактабда бадий гимнастика тарбиялаётган 14 нафар устоз фаолиятининг самардорлиги ҳам айтилиши мумкин. Улардан бири — Халқ таълими аълочиси Ирина Кимдан спорт сирларини ўрганаётган қизларнинг чиройли ҳаракатларига, бажараётган машқларига кишининг ҳаваси келади.

Мамлакатимизда болалар спортга кўрсатилаётган эътибор натижасида келажакдаги эгалари ўрасида кун сайин оммалашиб бораётган бадий гимнастика ҳам ҳаётдан мустаҳкам ўрин олиб, бўлажак чемпионлар парвозига қанот бағишламоқда. Бу, жумладан, 350 дан зиёд болалар ҳамда ўсмирлар тарбия олаётган ушбу мактаб фаолиятидаги ютуқ ва муваффақиятларда ҳам кўзга ташланиб турибди. Гимнастикачи қизларнинг жисмоний машғулоти бугун янада тизимлашган. Улар навбатдаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.



қомига эришди. Диёра Махмудхонова билан Сурайё Жавлонова "Умид ниҳоллари — 2012"нинг тика, трамполин, акробатика, қўл тўпи билан шуғулланаётган болалардаги маҳорат ва иқтидорни

тарбиялаётган 14 нафар устоз фаолиятининг самардорлиги ҳам айтилиши мумкин. Улардан бири — Халқ таълими аълочиси Ирина Кимдан спорт сирларини ўрганаётган қизларнинг чиройли ҳаракатларига, бажараётган машқларига кишининг ҳаваси келади.

Мамлакатимизда болалар спортга кўрсатилаётган эътибор натижасида келажакдаги эгалари ўрасида кун сайин оммалашиб бораётган бадий гимнастика ҳам ҳаётдан мустаҳкам ўрин олиб, бўлажак чемпионлар парвозига қанот бағишламоқда. Бу, жумладан, 350 дан зиёд болалар ҳамда ўсмирлар тарбия олаётган ушбу мактаб фаолиятидаги ютуқ ва муваффақиятларда ҳам кўзга ташланиб турибди. Гимнастикачи қизларнинг жисмоний машғулоти бугун янада тизимлашган. Улар навбатдаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Қудратилла НАХМИДДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Молия муассасаларида

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Мамлакатимиз иқтисодий ва маданий мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар самараси бугун ҳар бир жабҳада яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани фикримиз исботидир. Бу ўринда, айниқса, банк тизимининг фаол иш юритаётгани диққатга сазовор. ОАТБ "Капиталбанк" ҳам бу борада самарали иш олиб бормоқда.

Тараққиётга ҳисса қўшиш — устувор мақсад

Ҳозирги кунда банкнинг Тошкент шаҳридаги 6 та ва вилоятлардаги 7 та бўлими томонидан ҳужайка юритувчи субъектлар ҳамда аҳолига турли мақсадлар учун кенг турдаги кредитлар тақдим этилмоқда. Жумладан, банкнинг томонидан 2012 йилнинг январь — июль ойлари давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 73,01 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробарга кўпдир. Тадбиркор аёлларнинг қўллаб-қувватлаш мақсадида эса жорий йилнинг етти ойи давомида 20,87 млрд. сўм кредитлар берилди.

1050-сонли қарори асосида ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 37 нафар миқозга жами 14,73 млрд. сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 187,1 млн. сўм кредит ажратилди.

ёҳат қилиш) учун, авиачипталар сотиб олишга, заргарлик буюмлари харид қилиш, тантанали маросим ва тадбирлар ўтказиш учун, мебель тўпламлари сотиб олиш, машичи техника воситалари ҳамда уй-жойларни таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш ва бошқалар шуллар жумласидандир. Ўтган даврда банк бўлиmlари орқали аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 4,44 млрд. сўмни, уй-жойлар сотиб олиш учун ипотека кредитлари эса 3,3 млрд. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол кредитларининг 199,2 млн. сўми ва ипотека кредитларининг 826 млн. сўми ёш оилалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Масалан, бу борада 2012 йилнинг етти ойи давомида ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 243 млн. сўмдан зиёд микрокредитлар берилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик билан шуғулланаётган миқозларимизга ажратилган 225 млн. сўм кредит уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун кўмак бўлмоқда.

Шубҳасиз, 2012 йил Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан жорий йил якунига қадар ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратиш ҳажмини ошириш асосий мақсадиимиздир. Шунингдек, банк томонидан йил давомида жорий қилинган истеъмол кредитларининг янги турлари мамлакатимиз аҳолисига танлаш имкониятини бермоқда. Жорий йилда ушбу йўналишларга 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробардан зиёд кредитларни йўналтириш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, банкимизда нафақат юридик, шу билан бирга, жисмоний шахсларга ҳам кредит беришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу борада жисмоний шахсларга кенг турдаги истеъмол кредитларини тақдим этиб келмоқдамиз. Дам олиш (са-

Мухтасар айтганда, республикамиз иқтисодий тинчлик ва тазор ҳизмат кўрсатиш ОАТБ "Капиталбанк" фаолиятининг ҳар доимгидек муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Банк матбуот хизмати.

«Паралимпия ўйинлари — 2012»

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида давом этаётган XIV ёғи Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этишмоқда.

Ҳамюртимиз — Осиё рекордчиси

Жумладан, нуфузли мусобақанинг дастлабки кунларида дзюдочимиз Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритиб, энг улуг, энг ази байрамимизга ажойиб совға ҳозирлаганди. Кунни кеча эса ҳамюртимиз Кирилл Панковнинг 100 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида Осиё рекордини ўрнатгани ҳақида хушхабар олдик. Паралимпиячимиз ушбу масофани 59,37 сонияда босиб ўтиб, олтинчи ўринни эгаллади.

Эътиборлиси, бу Кириллнинг мазкур мусобақадаги иккинчи рекорди ҳисобланади. Бунгача у 100 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича саралаш беллашувида ҳам китъа рекордини янгилаганди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

"БУХОРО НЕФТИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ" жамоаси

Ўзбекистон халқини, барга меҳмонларини мамлакат Мустақиллигининг **21 йиллик** байрами билан *самимий муборакбод этади!*

Ер юзидида тинчлик барқарор бўлишини истаимиз ва сизларга **соғлиқ-омонлик, оилангизга хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барока тилаймиз!**

ОБ-ҲАВО (6 сентябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида +10 +15 +22 +27	Бухоро ва Навоий вилоятларида +13 +18 +28 +33	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида +13 +18 +28 +33
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +13 +18 +29 +34	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида +13 +18 +27 +32	Тошкент шаҳрида +13 +15 +28 +30

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукров.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5

Реклама ва эълонлар

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудуга совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозоридида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-72-85 телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС МУЛК SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозоридида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барока топинг!